

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“INFINITY INSURANCE” акциядорлик  
жамияти ягона акциядорининг  
2024 йил “26” декабрдаги  
18/2024-сон қарори билан  
Йиғилиш раиси



А.Х. Бекчанов

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”  
Ўзбекистон Республикаси  
Истиқболли лойиҳалар миллый  
агентлиги

Директорнинг биринчи ўринбосари



Пак Вячеслав Юрьевич

«13» февра 16 2025й. Р0957-7-сон

М.ў.

## АКЦИЯЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“INFINITY INSURANCE” акциядорлик жамияти

Идентификация рақами  
берилди:

R U 1 0 7 P 0 9 5 7 W 7

ҳар бирининг номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 2 574 000 (икки миллион беш юз етмиш тўрт минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужоатсиз акциялар

Мазкур чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши **еттинчи** чиқарилишdir.

Тасдиқланган: “INFINITY INSURANCE” акциядорлик жамияти ягона акциядорининг 2024 йил “26” декабрдаги 18/2024-сон қарори билан.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Буюк Турон МФЙ, Шахрисабз кўчаси, 2-уй, 10-этаж.

Телефон: +998(55) 515-30-00, Электрон почта: info@infinity-insurance.uz

Эмитентнинг раҳбари

С. Шарипов

Бош бухгалтер

Э. Эргашев



«\_\_» \_\_ 2025й.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий.
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз.
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **5 000** (беш минг сўм).
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **2 574 000** (икки миллион беш юз етмиш тўрт минг) дона.
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **12 870 000 000** (ўн икки миллиард саккиз юз етмиш миллион) сўм.
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳукуқлари:

**Акциядорлар:**

- акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ молмulkning бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳукуқига эга.

Акциядорлар қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар чиқарилиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ жамият ягона акциядори “INSURANCE 8888” МЧЖга, ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.

**8. Жамият устав капиталининг микдори (сўм): 57 811 750 000 (эллик етти миллиард саккиз юз ўн бир миллион етти юз эллик минг) сўм.**

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 11 562 350 (ўн бир миллион беш юз олтмиш икки минг уч юз эллик) дона оддий акциялардан иборат.**

**10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Жамият томонидан илгари корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.**

**11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.**

**11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):**

**Мазкур чиқарилишдаги акциялар, жамият ягона акциядори “INSURANCE 8888” МЧЖга, ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.**

**11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:**

**Акциялар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида рўйхатга олинган санадан бошлаб бир йил ичida жойлаштирилади.**

**Акцияларни жойлаштириши бошлаш санаси: мазкур акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошланади.**

**Акцияларни жойлаштириши тугатиш санаси: мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштириши тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.**

**11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:**

**Мазкур чиқарилаётган акциялар жамият томонидан мустақил равища, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларини (андеррайтерларни) жалб этмасдан жошлаштирилади. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштирилиш қимматли қоғозларнинг ташкиллаштирилмаган (уюшмаган) биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида фуқаролик-ҳукуқий битимлар тузилган ҳолда, жамият ягона акциядори (“INSURANCE 8888” МЧЖ)га ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.**

**11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳукуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳукуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:**

**Ушбу чиқарилишдаги акцияларига бўлган ҳукуқларни ҳисобини юритиш, Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат корхонаси томонидан амалга оширилади.**

**Марказий депозитарий ҳақида маълумот:**

**Тўлиқ номи: Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси акциядорлик жамияти;**

**Ташкилий ҳуқуқий шакли: акциядорлик жамияти;**

**Жойлашган жойи ва почта манзили - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кӯчаси 107 уй;**

**телефон: (71) 267-37-42, Факс: (71) 267-36-87. e-mail: info@deponet.uz, вэб манзили: www.deponet.uz.**

**Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси ўз фаолиятини "Қимматили қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.05.1999 йилдаги 263-сонли "Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида"ги Қарори асосида юритади.**

**Ҳуқуқларни ҳисобга олган инвестиция воситачилари ҳақида маълумот:**

**Тўлиқ номи – "Birinchi Banklararo Depozitariy" масъулияти чекланган жамияти;**

**Ташкилий-ҳуқуқий шакл: масъулияти чекланган жамияти;**

**Жойлашган жойи ва почта манзили - 100047, Узбекистан г. Ташкент, ул. Истикбол, 15, телефон: (+99871) 233-29-07.**

**11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:**

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар жамиятнинг ягона акциядорига жойлаштирилаётганлигини инобатга олиб, имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмаган.**

**11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:**

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматда яъни 5 000 (беш минг) сўмдан жойлаштирилади.**

**11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:**

**Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида фақат пул маблағлари билан нақд ва (ёки) нақдсиз шаклда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.**

**Акциялар учун пул маблағлари АТБ «O'ZSANOATQURILISHBANKI» Корпоратив банк хизматлари оғисидаги қўйидаги ҳисоб рақамга қабул қилинади: №/р 20208000005089150001, МФО: 00440, СТИР: 306464351, Банк жойлашган манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Шахрисабз кӯчаси, 3А-уй.**

**11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:**

**Ушбу чиқарилувдаги акциялар 100%дан кам микдорда жойлаштирганда, ушбу чиқарилув амалга ошмаган деб ҳисобланади.**

**Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, Жамият томонидан мазкур ҳолат бўйича расмий тарзда оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан жамиятнинг расмий веб-сайтида ([www.perfectins.uz](http://www.perfectins.uz)) ҳамда Корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) расмий хабарнома эълон қилинади.**

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб, 10 кун мобайнида акциялар учун қабул қилинган түловлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда қайтарилади.

**12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:**

Ушбу чиқарилув тўғрисидаги маълумот қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда эълон қилинади, шу жумладан корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ва Жамият расмий веб-сайтида ([www.infinity-insurance.uz](http://www.infinity-insurance.uz)).

Барча манфаатдор шахслар қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси билан Жамиятга ташриф буюриб (100000, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Буюк Турон МФЙ, Шахрисабз кўчаси, 2-уй, 10-этаж) иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг расмий веб-сайтида ([www.infinity-insurance.uz](http://www.infinity-insurance.uz)) ва Корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) жойлаштирилади.

**13. Бошқа маълумотлар. Кўзда тутилмаган.**

**РАКАМЛАНГАН ВАТИКИЛГАН**

**Бош директор**

**С.Ш.Шарипов**

**Бон бугаттар**

**Э.О.Эргашев**

**ЖАМИ:**



**—** —